

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

“Ўзбек филологияси” таълим йўналиши
2-босқич “Д” гуруҳ талабаси Аҳмадова Умидахоннинг
“Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи фанидан”
фанидан

““Хусни Дил” достонидаги мунозаралар”

мавзуи асосида бажарган

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар:

Ҳайитов Ш.А.

Бухоро – 2015

Кириш.

I Боб. Мунозара жанри генезеси ва тараққиёти.

1. 01. Мунозаранинг илк намуналари.

1. 02. XV – XVI асрларда мунозара жанрининг ривож.

II Боб. Муҳаммадниёз Нишотий адабий мероси ва унинг хос хусусиятлари.

2. 01. “Ҳусни Дил” достонининг таркиби, тузилиши, мавзу ва ғоялар олами.

2. 02. “Ҳусни Дил”да мунозараларнинг ўрни.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Ишнинг умумий тавсифи.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси ва долзарблиги. Муҳаммадниёз Нишотий ўзбек мумтоз адабиёти ва маданиятимиз тарихида ўз ўрнига эга бўлган салоҳиятли ижодкордир. Нишотий ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасида заҳматкаш олимларимиз эътиборга лойиқ тадқиқотлар яратдилар.

У ёки бу ижодкор асарларига ҳолисона баҳо бериш учун, аввало, тадқиқотчи ихтиёрида мукаммал матн бўлиши зарур. Масаланинг айна муҳим қиррасини назарда тутган атоқли олим Абдуқодир Ҳайитметов куйидаги қимматли фикрларни илм аҳли эътиборига ҳавола қилган эдилар: “Ҳар бир янги манба адабиётшуносликни кўтариб турган бир устун ҳисобланади. Шундай манбалар қанча кўпайса, текширувчи-тадқиқотчи ўзини шу даражада боюрак ҳис қилади”. Фидойи олимнинг айна салмоқли фикрлари моҳиятидан келиб чиқиб, масалага ёндошсак, энг аввало, Нишотий асарлари нисбатан мукаммал нашрларининг юзага келишида матншунос олимларимизнинг кўп тер тўққанликларини алоҳида эътироф этишимиз зарур. Ўша сермашаққат изланишлар натижаси сифатида Муҳаммадниёз Нишотий асарлари 1960–1967-йилларда китоб ҳолида, ўтган асрнинг 70-йилларида эса “Адабий мерос” журналида кетма-кет намуналар ҳолатида чоп этилди. Бу борада “Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозараларнинг “Гулистон” журналида чоп этилиб, талабчан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилганлигини қайд қилиш зарур.

Адабиётшунослигимизда XVII–XVIII аср ўзбек мумтоз адабиётини асл манбалар асосида илк бор мукаммал ўрганишни бошлаб, бу давр адабиёти таҳлилига бағишлаб докторлик диссертацияси яратган олим Воҳид Абдуллаев ўз тадқиқотининг салмоқли қисмини Ҳоразм адабий муҳити талқинига бағишлаган. Муҳаммадниёз Нишотий XVIII аср Ҳоразм адабий муҳитининг забардаст намоёндаларидан биридир. Академик Воҳид Абдуллаевнинг меҳнатлари туфайли “Нишотий лирикаси”, “Ҳоксор ва

Нишотий” тадқиқотлари ўтган асрнинг 60-йилидаёқ Самарқандда чоп этилиб, илм аҳли эътиборига ҳавола этилди.

Академик Ботирхон Валихўжаев 1974-йилда Тошкентда чоп этилаган “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” китобида Муҳаммадниёз Нишотий ижоди таҳлилига муносиб ўрин ажратади. Бухоролик истеъдодли олима Мунира Ҳабибовна Қосимова XX асрнинг 70-йиллари бошида академик Воҳид Абдуллаев раҳбарликларида Нишотий ҳаёти ва ижодига бағишлаб номзодлик диссертациясини ёзиб ҳимоя қилдилар. Олиманинг бу ноёб тадқиқоти юзасидан мақолалари республикамизнинг нуфузли журналларида чоп этилди. 1975-йилда эса “Фан” нашриёти Мунира Қосимованинг “Муҳаммадниёз Нишотий” рисоласини нашр этди.

Маълумки, мунозара дунё адабиётидаги қадимий жанрлардан биридир. У Ғарб ва Шарқ, хусусан, француз, форс ва туркий халқлар адабиётида кенг оммалашган. Ўз ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий қарашларини ифода этиш учун Мавлоно Нишотийга ҳам ушбу жанр маъқул келган. Шундан бўлса керак, хоразмлик бу истеъдодли адиб ўз достони таркибидан мунозара жанри намуналарига кенг ўрин беради.

“Ҳусни Дил” достонининг айни хос хусусиятларини ўрганиш академик Воҳид Абдуллаев, академик Ботирхон Валихўжаев, доцент Мунира Қосимова, қисман филология фанлари доктори Эргаш Рустамовнинг “XV аср ўзбек адабиётида мунозара жанри” тадқиқотида ўрганилган. Достон таркибидаги мунозараларнинг ғоявий-бадiiй таҳлили билан олима М.Абдувоҳидова жиддий шуғулланди, ҳамда бу йўналишдаги мақолаларни “Адабий мерос” журналининг ўтган асрнинг 70-йилларида чоп этилган сонларида эълон қилиб борди. Аммо, юқорида яратилган тадқиқотларда Муҳаммадниёз Нишотий маънавий меросини ўрганиш борасида етарли деб бўлмайди, чунки Нишотий адабий мероси чуқур ижтимоий-фалсафий моҳиятга эга. Унда рамзий-истиоравий, мажозий тасвирга кенг ўрин берилган.

Шоир маънавий меросини мукаммал таҳлил этиш, ғоявий-бадий қимматини баҳолаш ҳали кўп меҳнат талаб қилади. Истиқлол шарофати билан адабиётшунослигимиз янги босқичга қадам қўйди. Юрт мустақиллиги шарофати билан адабий меросимизни янгича қарашлар асосида ўрганишга эътибиор кучайди. Бу борада юртбошимиз Ислон Каримов томонларидан яратилган китоблар, улардаги теран илмий-назарий мулоҳазалар барчамиз учун йўлчи юлдуздир. Президентимизнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобларидан ўқиймиз: “Биз маънавий қадриятларни тиклашни, миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён ҳисоблаймиз”. Ана шу талаб-тамойиллардан келиб чиқиб биз ўз курс ишимизда Мавлоно Нишотийнинг “Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозараларни ғоявий-бадий таҳлил қилишга уриниб кўрдик.

Истеъдодли шоирнинг сўз қўллашдаги маҳорати нуқтаи назаридан бадий асар қимматини белгилаш асосида шоирнинг асарда илгари сурган ғояси, фалсафий-илоҳий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-таълимиy қарашлари хусусида баҳоли қудрат мулоҳаза билдиришга уриниб кўрдикки, ана шу айримлари қайд қилинган жиҳатлар бизнинг курс ишимиз мавзуининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотчилар ўринли ўтироф этганларидек, заҳматкаш тилшунос ва қадимшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит-турк” асари таркибидаги “Қиш ва Ёз” мунозараси жанрнинг энг қадимги намунаси ҳисобланади. Кейинчалик Юсуф Амирий, Яқиний, Аҳмадий каби ижодкорлар мунозаранинг нодир намуналарини яратдилар. Муҳаммадниёз Нишотий ўзининг “Ҳусни Дил” достони таркибидаги “Шоҳбоз ва Булбул”, “Гул ва Даф”, “Бинафша ва Чанг” каби мунозаралари билан жанр тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Айримлари айтилган фикрлардан ҳам назарга ташланадики, мунозара жанри узок асрларга бориб тақалувчи чуқур илдизга эга.

Ўзбек халқи дунёнинг барча бошқа халқлари каби ўз ҳаётининг илк босқичларидаёқ бадиий тафаккурнинг ўзига хос намуналарини яратган. Шарқда форслар, араблар, юнон ва ҳиндларга ёндош бўлиб яшаган туркий халқларнинг бизгача етиб келган халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналарининг чуқур манбалари шундан гувоҳлик беради.

Ҳаётдаги эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги муттасил курашлар одамнинг осойишта ва тўкин, маданий ҳаёт йўлидаги орзулари мунозарада ҳам ўз бадиий ифодасини топган. Ушбу кичик тадқиқотнинг асосий мақсади “Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозараларни ғоявий-бадиий таҳлил қилишдан иборатдир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, курс иши олдига яна қуйидаги вазифалар қўйилди.

Мунозара жанрининг ўзига хос адабий жанр эканлигини имкон қадар асослаш;

Мунозарада иштирок этувчи образларнинг асосан, рамзий (киноявий) хусусиятга эга эканликларини кўрсатиш;

Мавлоно Нишотий мунозараларини таҳлил қилиш орқали истеъдодли шоирнинг мунозара жанри ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

Муҳаммадниёз Нишотий бадиий маҳоратининг айрим қирраларини очиш.

Курс ишининг мабаи. Муҳаммадниёз Нишотийнинг “Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозаралар ушбу кичик тадқиқот учун асосий манба вазифасини ўтади.

Курс ишининг методологияси. Миллий истиқлол мафкураси, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Беруний, мумтоз шеършунослар Шамс Қайс Розий, Атоуллоҳ Ҳусайний, А.Фитрат, М.Шайхзода, В.Абдуллаев, И.Султон, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов, Б.Саримсоқов, А.Ҳожиаҳмедов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, И.Ҳаққулов, С.Ҳасанов, М.Жўраев, Н.Жумаевларнинг бадиият, тасаввуф фалсафасига доир қарашлари курс иши учун таянч илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Ишда қиёсий типологик методдан унумли фойдаланилди.

Курс ишининг илмий янгилиги. Муҳаммадниёз Нишотий “Ҳусни Дил” достонидаги мунозараларнинг ғоявий-бадий талқинига доир махсус ва яхлит тадқиқот яратилмаганлигини ҳисобга олиб, шу муаммо қирраларининг имкон қадар ҳал этилиши ишимизнинг янгилигини белгилайди. Ишда куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берилади:

“Ҳусни Дил” достонидаги мунозараларни яратишдан асосий мақсад поклик, жамиятда мўтадил маънавий-руҳий иқлим яратишдан иборат эканлиги аниқ мисоллар, далиллар билан изоҳланади;

Шоирнинг мунозара жанрига мурожаат этиш сабаблари очиб берилади ва мазкур рамзий-киноявий тимсоллардан бадий ижодда фойдаланиш маҳоратига асосан эътибор қаратилади;

Рамзий образлардан Муҳаммадниёз Нишотийгача бўлган ижодкорлар адабий меросида қўлланиш даражаси ва сабаблари, маъно қирралари хусусида мулоҳазалар билдирилади;

Мавлоно Нишотийнинг рамзий образлардан фойдаланишда анъанага муносабат, ижодийлик мазкур тимсоллардан мунозара жанри имкониятларидан келиб чиқган ҳолда фойдаланишдаги маҳорати шоир ижодидан келтирилган иқтибослар таҳлилий жараёнда кўрсатилади.

Курс ишининг таркиби. Кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Мунозара жанри генезеси ва тараққиёти.

1. 01. Мунозаранинг илк намуналари.

Мунозара – баҳс шаклида ёзилган бадиий асар. Унда икки томон баҳс юритиб, бир-бирига ўзининг устунлигини уқтиради. Баҳс бир томоннинг ғолиб чиқиши, иккинчи томоннинг енгилиши билан якунланади. Базан мунозарада мадҳ ҳам учраши мумкин. Унда мунозарани ёзишга ундаган киши таърифланади.

Мунозара ўзига хос адабий жанр бўлиб, у асар қаҳрамонларининг ўзро тортишуви, баҳси асосига қурилади. Мунозарадаги иштирокчилар асосан рамзий (киноявий) хусусиятга эга бўлади. У шеърий ёки насрий тарзда яратилиши мумкин.

Мунозара дунё адабиётидаги қадимий жанрлардан биридир. У Ғарб ва Шарқ, жумладан, француз, форс ва туркий халқлар адабиётларида кенг тарқалган. Форс-тожик адабиётида мунозаранинг биринчи етиб келган қадимий намунаси “Дарахт-и асурик”дир. Асар паҳлавий тилида ёзилган бўлиб, унда хурмо дарахти билан эчки орасидаги мунозара ва кимнинг инсонга кўпроқ фойдаси тегиши тўғрисидаги баҳси акс эттирилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” девонида қиш ва ёз баҳсига бағишланган йигирмадан ортиқ тўртликлари мавжуд. “Қиш билан Ёз” мунозараси бу жанрнинг яъни мунозара жанрининг энг қадимги намунаси эканлиги алоҳида аҳамиятга эга. Маҳмуд Кошғарий “Қиш билан Ёз” мунозарасига оид кўплаб тўртликларни келтириш мумкин. Аммо улар асарнинг бир жойида эмас, балки унинг турли қисмларида ҳар хил сўзларнинг изоҳига далил сифатида келтирилган. Улар *а а а б; д д д б* шаклида қофияланади. Қуйида биз мисол келтириб уни таҳлилга тортамыз:

Қақлар қамуғ кўларди.

Тағлар баши иларди.

Ажун тани йиларди

Туту чечак йеркашур

(Сувлар кўпайиб, чуқурлар кўлга айланди.

Тоғ бошлари хаёлий нарса каби (кўзга аранг) илашди.

Дунё нафаси илиди.

Турли чечаклар саф тортди).

Қишнинг тугаб, баҳорнинг бошланаётгани, музларнинг эриб, оқар сувларнинг кўпайгани, тоғ чўққиларининг қорлардан тозаланиб, ҳаво илиши бошланганлиги ҳамда атрофдаги ўт-ўланларнинг кўкариши бу мисраларда талқин қилинмоқда ва бу тўртликда “иларди” сўзини изоҳлаш мақсади бўлса, “утти” – ютди, ғолиб бўлди маъносидаги сўз изоҳида эса қуйидаги тўртликни ўқиймиз.

Қиш яй била тўқушти.

Қинғир кўзун бақишти.

Тутушқали яқишти.

Утғалимат ўғрашур.

(Қиш ёз билан тўқнашди.

Бир-бирларига улар ёмон кўз билан қарашди.

Бир-бирларини тутиш учун яқинлашдилар.

Уларнинг ҳар бири енгишни истар эди.)

Табиатдаги бу жараён инсон ҳаётидаги жонли манзараларга ўхшатилиб, унга қиёсий ҳолда акс этган. Ўзаро тўқнашиш, бир-бирига қинғир кўз билан қараш, курашиш учун ўзаро яқинлашиш ва ғолиблик истаги каби инсонга хос туйғулар табиатга нисбат берилмоқда. Ҳар икки фасл тўла “тилга киради”. Улар бир-бирига тегишли бўлган хусусиятларини, камчиликларини, устун томонларини гўё “фош этади”.

1.02. XV – XVI асрларда мунозара жанрининг ривож.

XV–XVI асрларда кўплаб қалам аҳли мунозара жанрида ижод қилди ва ўзларининг ижодий намуналарини яратди.

XV асрнинг аввалларидаги ўзбек адабиётида қатор мунозара асарлари яратилган. Буларга мисол тариқасида Аҳмадий, Юсуф Амирий, Яқиний мунозараларини айтишимиз мумкин.

XV ўзбек адабиётида Аҳмадийнинг мунозара асарлари ажралиб туради. Булардан бири “Созлар мунозараси” асари маснавий шаклида тасниф этилган ва рамали мусаддаси махзуф вазнида ёзилган. Мунозара ўн етти бобдан иборат. унда танбур бошқа чолғу асбоблари билан баҳс қилади. Басҳда танбурдан бошқа қуйидаги асбоблар иштирок этадилар: чанг, қўбиз, етуғон, рубоб, ғижжак, кўнгура. Баҳс танбурдан бошланади. Асарда танбур худбин, мақтанчоқ, фитнагўй образ тарзида тасвирланган. Танбур ўз овозини энг ёқимли ва оҳангдор билиб мақтанади, унинг бундай ҳаракатлари бошқа асбобларга табиийки ёқмайди. Танбур бошқа асбоблардан бир нуқсон излайди, уларни сира тан олмайди. Уд Танбурга ўз овозининг ғоят унли, ёқимли ва гўзаллиги ҳақида гапирар экан, Танбур уни жеркиб ташлайди:

Деди: “Ҳало, хожаи ишкам кабон,
Қўйғин, ўшал даъвои бериҳни!
Мот қилай сен киби юз шоҳни!
Қўйма бу сўзга чу билурсан билиқ,
Бос юрагинг, қорнингга қўйғин илиқ!
Боча мақомотларингдин қолиб,
Эгри бўлиб бўйнингга бошинг сенинг,
Қолмади беҳуда талошинг сенинг!

Танбур шу тарзда бошқа асбобларни ҳам ҳақоратлайди, манманликка берилади.

Шундай қилиб, Аҳмадий мунозараси ҳам шакл, ҳам мазмун томонидан XV ўзбек адабиётининг ажойиб ёдгорликларидан биридир.

Юсуф Амирийнинг “Банг ва чоғир” мунозара асарлари бошдан-оёқ наср билан ёзилган. Аммо унда ҳам айрим ўринларда шеърӣ мисралар учрайди. Бу мисраларнинг бир қисми Юсуф Амирий қаламига, бошқа бир қисми эса Ҳофиз, Хусрав Деҳлавӣ ва Жалолиддин Румӣлар қаламига мансуб.

Юсуф Амирий мунозараси оддий ва содда тасвирлар, халқ оғзаки ижодига хос қочириклар, қутилмаган сўз ўйинлар ва ҳажвга жуда бой. Мунозарада Юсуф Амирий XIV аср тожик шоири Убайд Законийни марок билан тилга оладилар. Муаллифнинг асар муқаддимасида келтирган қуйидаги ҳикматли сатри диққатга сазовордирки, унда муаллиф китобхонни ақл чироғи билан зулматдан қутулишга чақиради:

“Одамга ақл қироғин берди, то залолат қоронғулиғидин иймин бўлғай”.

Асрда банг билан май ўртасида баҳс бошланади. Банг яшил ҳирқа (яшил гиёҳ тимсоли) кийган таркидунёчи сўфи, дарвиш сифатида, май эса, қизил кийим кийганпахлавон йигит сифатида тасвирланади. Баҳсда ҳар икки тараф хусусиятлари ноўрин сўзлар билан камситилади ва ҳақоратланади. Сухбатдошлар ўз қарашларини қувватлаш учун Қуръонга ва Шарқнинг йирик мутафаккирларининг фикрига таянадилар. Юсуф Амирийнинг “Банг ва чоғир” мунозараси XV аср ўзбек насрининг намуналаридандир.

Шоир Яқиний ўзининг “Ўқ ва Ёй” мунозараси билан XV аср бадий насрининг яна бир намунасини яратди. Мунозара шундай шарҳланади: бир неча моҳир ёй отувчи йигитлар шаҳарнинг бир четига чиқиб мажлис қурадилар. Шу замонда икки нотаниш кишилар пайдо бўлади: улардан бири қадди эгилган чол – ёй, иккинчиси қадди расо, чиройли йигит – ўқ. Йигитлар ҳурмат юзасидан чолга ўнг томондан, йигитга чап томондан жой кўрсатадилар. Аммо ёш йигит ўнг томондан келганлиги боис ўнг томонга ўлтиради. Бу эса чолни қаттиқ аламзада қилади ва шу тарзда ёй билан ўқ орасида баҳс бошланиб кетади. Баҳсда ёй ўқни унинг уйидан қочиб кетган қочқин бўла туриб ўнг томонда ўлтиришни даъво қилганликда айблайди

(мунозарада ўнг томон тўғрилиқ, чап томон эгрилик тимсоли). Бироқ ўқ ёйга: “Тўғрилиқ билан эгрилик орасида ҳеч қандай муносабат бўлиши мумкин эмас”, деб жавоб беради ва ўз фикрини тасдиқлаш учун форсча бир рубой келтиради:

Бо бад манишин ва ҳам марав хонаи у.

Дар дом бияфти чу хўри донаи у.

Тир аз сари рости камонро каж дид,

Диди, ки чигуна жаст аз хонау у.

Мазмуни: Ёмон билан бирга ўлтирма, ҳамда унинг уйига борма,
Унинг донини есанг, тузоққа илинасан.
Ўқ тўғрилиги туфайли ёйни “эгри” деди,
Кўрдингму, у унинг уйидан қандай жўнаб қолди.

Яқиний асарнинг охирида мунозарани яратишдан мақсад нима эканлигини айтади: “Бу мунозарадан мақсад улким, бу даврнинг каж таъбларининг қошинда ҳар ким ёйдек эгри бўлса, ёнларидан йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб туз юруса, Яқинийдек йироқ тушар...”

Мунозаранинг тили ҳам Аҳмадий ва Амирийларнинг мунозаралари каби соддалиги ва катта бадий таъсирга эга эканлиги билан ажралиб туради.

“Ҳусни Дил” номли дoston сюжети форс-тожик ва туркий тиллар адабиётида кўпдан бери кенг тарқалган ва қайта-қайта ижодий ишланган сюжетдир. Жумладан, XV асрда шоир Фаттоҳий “Ҳусни Дил” сюжети асосида наср-у назм услубида тожикча дostonини ёзган. Машҳур тожик ёзувчиси Мушфиқий ҳам XVI асрда “Гулзори эрам” дostonида “Ҳусни Дил” сюжетини ижодий равишда қайта ишлаган. Форс-тожик адабиётида “Ҳусни Дил” дostonининг бошқа вариантлари ҳам мавжуд.

“Ҳусни Дил” дostonи ўзбек адабиётида ҳам узоқ тарихга эга. Жумладан, XVI асрда ўтган ошнозлик шоир Оҳий “Ҳусни Дил” сюжетида дoston ёзган.

II Боб. Муҳаммадниёз Нишотий адабий мероси ва унинг хос хусусиятлари.

2. 01. “Ҳусни Дил” достонининг таркиби, тузилиши, мавзу ва ғоялар олами.

Муҳаммадниёз Нишотий XVIII аср ўзбек адабиётининг Хоразмдаги кўзга кўринган, истеъдодли вакилларида биридир. Ўзбек мумтоз адабиёти ва маданиятимиз тарихида муносиб ўринга эга бўлган Муҳаммадниёз Нишотий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида тадқиқотчиларимиз бир қанча ишларни амалга оширганлар. Булар бир неча йўналишда олиб борилмоқда.

1. Матншунослик йўналиши. Матншунослик изланишлари маҳсули сифатида Нишотий асарлари бир неча марта нашр қилинган.

2. Адабиётшунослик йўналиши. Нишотий ижодининг илмий тадқиқини сарҳисоб этиб қараганда анча ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу ҳали етарли эмаслиги ҳам адабиётшунос аҳлига маълум. Чунки, Нишотий ижоди чуқур фалсафий мезонга эга. Уни мукамал таҳлил этиш, ғоявий-бадиий қимматини баҳолаш катта иқтидор, билим ва меҳнатни талаб этади. Мустақиллигимиз шарофати билан янги босқичга қадам қўйган адабиётшунослигимиз Нишотий асарларининг моҳиятини объектив, тўғри ёритиб бера олади.

Муҳаммадниёз Нишотийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида тарихий маълумотномаларда деярли қайдлар учрамайди. Мавжудлари ҳам жуда кам маълумот беради. Шоир таржимаи ҳоли ҳақида фикр юритганда, асосан унинг асарларига шеърятни, “Ҳусни Дил” достонига таянамиз.

Достоннинг кириш қисмларидан англашиладики, шоир Хоразмда туғилган. Умрининг анча қисми туғилиб ўсган она шаҳри Хоразмда ўтган. У юртининг гўзал табиати, хушхулқ халқи, адабий-маърифий муҳитининг юксаклиги ҳақида фахр билан ёзганлигининг исботи сифатида қуйидаги мисраларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Бор эди Хоразм диёри – ерим,
Андин эди яхши-ёмон гуҳарим...

...Халқи анинг барчаси ишратфизо,
Хулқи хушу нутқи дағи дикушо.
Илм элининг васфи жаҳондин фузун,
Ҳар не гумон айласанг ондин фузун.

Нишотий дostonнинг ёзилиш тарихини кўрсатиб,

Муддати тарихини этсам баён,
Хатми Дилу Ҳусндур, эй нуктадон, –

дейди. Бу тарихдан дoston милодий 1778-йилда ёзилганлиги аён бўлади. Айёмий “Ўт чақнаган сатрлар” китобида Нишотий дostonни 77 ёшида ёзган дейди. У бу маълумотнинг манбаини кўрсатмайди. Агар шу далил ишончли бўлса, бундан аниқ бўладики, Нишотий 1701-йилда туғилган деган хулосага келишимиз мумкин. Нишотий Хивадаги мактаб, мадрасаларда ўқиб билим олган. Кўп илмларга, жумладан, шеър санъатига алоҳида қизиқиш билан қараган. Замонасининг маърифатли кишиси бўлиб етишган. Нишотий тақдир тақозоси билан Бухорога боради. Шоир Бухорода ҳам уй-жойсиз, иқтисодий қийинчиликда, руҳан ёлғизланиб яшайди. Шундай оғир кунларда шоир ижоди билан овунади, қалами билан сирлашади. У Бухорода яратган лирик шеърларида ҳаёт машаққатларини акс эттирган. Йирик ҳажмли “Ҳусни Дил” дostonини яратди. Шоирнинг лирик мероси бизгача “Ғазалиёт ва мухаммасоти Нишотий”, “Баёзи мутафарриқа”, “Баёзи мажмуаи ашъор” каби манбалар орқали етиб келган. Муҳаммад Юсуф Чокар томонидан 1903-йилда кўчирилган девони Шарқшунослик институтида сақланади. У ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Унинг лирик шеърлари, асосан, ишқ-муҳаббат мавзуидадир. Шоир ижодида ҳам илоҳий, ҳам мажозий ишқ куйланади. Шунингдек, муаллифдан бизга яна унинг ахлоқий-таълимий ғояларини ифодаловчи “Қушлар мунозараси” асари ҳам етиб келган. Асар 300 мисрадан

иборат бўлиб, шоир ғоялари 14 қушнинг ўзаро баҳс-мунозарасида акс эттирилган.

Унинг энг йирик асари “Ҳусни Дил” достонидир. У 1778-йилда Бухорода ёзилган. Асарнинг ёзилиш тарихига оид баъзи фикрлар достоннинг кириш ва хотимасида берилган. Унда эътироф этилишича, бир дўстининг маслаҳати билан беш ойда ёзилган экан:

Байтки тахминан эрур етти юз,
Етти мингу тўқсон ики бўлди туз.
...Рум эли ҳам наср ила онга нигор,
Ўз тилидин эткон экон ихтиёр.
Деди мунго назм дури бирла зеб,
Бергил, улусдин олиб аввал шикёб.
Бўйла дегоч фотиҳа қилдим талаб,
Тутгум ўзимга неки эрди тааб.
Қилдим они назм қилурға қиём,
Ўтти машаққатбила беш ой тамом.

Ҳусн ва Дил саргузаштиниң сюжети Шарқ адабиётида машҳур бўлиб, форс-тожик, араб, турк тилларида бир қанча насрий асрлар ёзилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, яна таъкидлаб ўтамизки, XV аср форс-тожик адабиётининг йирий вакили Фаттоҳий Нишопурий “Ҳикояти Ҳусну Дил” асарини ёзган. XVI аср охирида Мушфиқий шу сюжет асосида “Гулзори Эрам” асарини яратди. Бундан ташқари, Али Оҳий, Шайх Ғолиблар ҳам шу мавзуда асарлар яратишган. Буларнинг ҳар бири ўзича янги, мазмун-ғоя жиҳатидан ҳам, бадиийлик жиҳатидан ҳам мустақил асарлардир.

“Ҳусни Дил” достонининг халқ орасида кенг тарқалган вариантларидан бири шоир Нишотий достонидир. Нишотийнинг “Ҳусни Дил” достони шу сюжет асосида яратилган бошқа достонлардан тубдан фарқ қилади. Нишотий достонининг кўпгина қўлёзма нусхалари Тошкент, Хива, Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларда ҳам мавжуд.

“Хусни Дил” мазмун ва тузилиш жиҳатидан анча мураккаб, шоирнинг ўзи эътироф этганидек, дoston 15584 мисрадан, 62 бобдан. Дастлабки боблар киришни ўз ичига олади . 6-бобда шоир ўзининг мусофирчиликдаги ғариб ҳаётини акс эттиради. 7-бобда дostonнинг ёзилиш сабаблари ҳақида сўзлайди. 8-бобда сўз қудрати борасида фикрларини билдиради. 9-бобда эса, “беш ҳазина” – “Хамса” яратган устоз шоирлар Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий ва Навоийларнинг сўз мулкидаги улуғ хизматлари эътироф этилади:

Ул бирисин Шайхи Низомий дегил,
Мамлакату мулки низоми дегил.
Бу биридир Хусрави олижаноб,
Торами назм узра мунир офтоб.
Ул бириси ҳазрати Жомий эрур,
Даҳр элининг пок каломи эрур.
Яна бири булбули дostonсаро,
Яъни Навоий эрур ул хушнаво...
Етти ақолим узадур моҳ ул,
Етти қалам аҳлиғаду р шоҳ ул...

Шоирнинг дostonда келтирган айрим фикрларидан “Хамса”навис устозларига эҳтиромини ҳис этамиз. Нишотий ҳам “Хамса” яратишни ният қилган. Беш дostonдан иборат “Хамса” муаллифлар сони ҳам бешта бўлишини орзулаган. “Хусну Дил” асарини дастлабки дoston сифатида яратган. 10-бобда шоирнинг қаламга мурожаати берилади. 11-бобдан бошлаб дostonнинг асосий қисми бошланади. Ҳар бир бобда аввал қисқа насрий мундарижа берилиб, кейин шеърий мазнуни баён этилади. Шоирнинг бутун мақсад ва ғоялари Хусн ва Дилнинг ишқий саргузаштлари драмаси заминига сингдирилган. Дoston тасаввуф таълимоти ғояларини ҳам тарғиб этувчи асардир. Донишмандларимиз тасаввуф ўзидан ўлиб, ўзи бирла тирилиш йўлидир, дейишган. Бу инсон ўзлигини англаши, ўзлигини топиши учун

нафсоний интилишларни, вужудий қафасларни синдириб бориши керак, демакдир. Инсон ана шундагина ғолиб келади. Камолотга эришади. Баркамоллик эса кишини мўтабар мартабага кўтаради.

“Хусни Дил” тимсолларининг номланишида ҳам чуқур мазмундорлик мавжуд бўлиб, улар мажмуини яхлит бир жисм деб қарашимиз мумкин. Масалан, Фуод (арабча – кўнгил) – кўнгилнинг “Қалъаи жисм”да яшаши, Хусннинг “Қалъаи дийдор”да яшаши. Кўнгулга тушган ишқ – муҳаббатнинг хуснга, дийдорга эришгунча орада турган тўсиқлар, изтироблар – буларнинг ҳаммаси рамзий маъноларни англатиши ўз-ўзидан аён кўриниб турибди. Шунингдек, Ақл, Хусн, Ишқ, Дил, Назар, Ҳиммат, Сабр, Вафо, Хаёл, Ғамза, Рақиб, Номус ва бошқа образларнинг номланишида ҳам буни кўришимиз мумкин. Ва биз қуйида албатта, бу образларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Достондаги “Оби ҳаёт” образи ҳам рамзий маъно касб этади. Абадий ҳаёт бахш этувчи сув “Шаҳри дийдор”да. Қачонки, заҳматларни енгиб Дийдорга эришгандагина абадийликка муяссар бўлиши мумкин:

Яъни қаро қайғуға қилғон сабот.

Топғусидур истаса оби ҳаёт...

каби ҳолатларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Достондаги образларнинг номини айримларини юқорида санаб ўтган эдик. Эндиликда биз, мана шу образларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин.

Ақл, Фуод, Назар, Ишқ, Хусн, Ҳиммат, Қомат, Хаёл, Вафобону, Ғамза, Ишва, Карашма кабилар айниқса муҳим рол ўйнайди. Нишотий ушбу образларининг қиёфаси ва фаолиятида тинчлик, осойишталик, ободонлик ва фаровонлик ғояларини мужассамлаштирган. Достондаги иккинчи гуруҳ образлари эса Ваҳм, Рақиб, Форуқа, Фохир, Шайх Зарқ, шоҳи Фасод кабилардан иборат бўлиб, улар зулм ва зўравонлик, қаҳр-ғазаб намоёндалари сифатида гавдалантирилган. Демак, зиё ва зулмат кучларини

мужассамлаштирган мажозий образлар ўртасидаги кураш дostonдаги қарама-қаршилиқ асосини ташкил этиб, унинг характери́ни белгилайди.

Нишотийнинг тасвирича, Ақл Юнонларда подшоҳ бўлиб, зўр ақли, донишмандлиги, шоирлиги ва ахлоқчилиги билан ажралиб турар экан. Унинг адолатидан “Мулк маъмур” ва Яхши ишларидан “халқ масрур” бўлган экан. Ақл қанчалик доно бўлмасин аммо, у ҳам камчиликлардан холи эмас, Нишотий Ақлшоҳнинг саводи ва илмини мақташ билан бирга унинг камчиликларини ҳам танқид қилади. Шоир Ақлшоҳ маслаҳатчиларининг асл қиёфасини кўра олмаганлигини айтиб ўтади.

Фуод (қалб, юрак, дил) Ақлшоҳнинг ўғли. У дунёга келганида ҳикмат эли биргалашиб, маслаҳат билан унга ном қўйишган. Фуод зехни ўткир бўлганидан у етти ёшиданок қироатни ўрганган, аста-секин ҳар қандай илмни ҳам ўрганиб, “ҳар неки мажҳул” бўлса, фикр юритиб ўзлаштира борган. У кўпроқ тарих ўқиш, шеър санъати устида муҳокама юритиш билан шуғулланган. Фуод “Қалъаи жисм” деган жойда ўсиб улғайган. “Қалъаи жисм” қасрлари олдида 360 наҳр ва 440 анҳор бўлиб, бундан бутун мамлакат фойдаланишган. Ақлшоҳ шу ернинг ҳукмронлигини, бошқаришни ўғли Фуодга топширади. Фуод бу ерни адолатпарварлик ва одиллик билан бошқаради:

Ўғли дағи кўрсатибон адлу дод,
Мамлакатин айлади ободу шод.
Адл ҳуруфи каби кўз бирла дил
Халқ анга боғлаб эди муттасил.

Дostonдаги Назар образи ўзининг маънавий бойлиги, шижоати, ғайрати, ҳаракатчанлиги ва тадбиркорлиги билан диққатга сазовордир. У “Шаҳри Бадахшон”лик ва “пурҳунар” киши бўлиб, шаҳзода Фуоднинг химаткори эди.

Хусн Шаҳриёри Ишқнинг қизи бўлиб, у гўзал, билимдон, тадбирли, бардошли бўлиши билан бирга вафо ва садоқат тимсолидир.

2. 02. “Хусни Дил”да мунозараларнинг ўрни.

Достон сюжетини, шоир ғояларини мукаммаллаштириш мақсадида асар таркибига: 1. “Шаҳбоз ва Булбул”; 2. “Гул ва Даф”; 3. “Най ва Нахл”; 4. “Косаи Чин ва Наргис”; 5. “Бинафша ва Чанг” номли бешта мунозара ва лирик чекинишлар киритилган. Ушбу мунозаралар мустақил асарлар сифатида ҳам кўзга ташланиб турадики, уларни кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

Баҳор кунларининг бирида Булбул билан Шаҳбоз мунозара бошлайди. Булбул келишган хусни ва хушхонлигини пеш қилиб, Шаҳбозга мақтанибди, унинг “жаҳл асар”лиги, “баджомол” ва “бадмақол”лигидан кулибди:

Бир чамане саҳнида фасли бихор,
Боз ила Булбул эдилар сўз гувор.
Бозга Булбул деди, эй жаҳл асар,
Санда қани савту наводин хабар?
Қушлар аро сан каби бир бадмақол,
Мумкин эмас бўлмоғи, эй баджомол.
Манман ўшал Булбули гўёхваш,
Нағмам эрур эл аро довудваш.

Булбул айтган фикрлардан ширин сўзли бўлиш керак деган тарбиявий аҳамиятга молик хулоса чиқади. Аммо Булбул Шаҳбозни танқид қилар экан, ўз фазилатларидан мағрурланади, “манман”ликка берилади, бу унинг кўз юмиб бўлмас камчилигидир. Ушбу масала ҳеч нарсани назарга илмай, Хусн устига қўшин тортиб бораётган Ақлшоҳнинг мағрурлигини фош қилиш учун келтирилган.

Достон қаҳрамонларидан Меҳри диловар тўй қатнашчиларини “Гулзори баҳор”га таклиф қилар экан:

Ҳар неки, ул базмга даркор эди,

Ғайри талаб барчаси тайёр эди

Деб, у ерда илм эли шеър билан бадеҳа айтаётганини, нуктадонлар маънолар денгизида сузаётганини, соз аҳли нағмалар куйлаётганини баён эадилар. Шу пайт Гулга кўзи тушиб қолган Даф (чилдирма) унга қараб:

Гарчи қаддим ғам юкидин дол эрур,
Шакл манго аҳсанул ашкол эрур...

Гул унга шундай жавоб қайтаради:

Гарчи сени қўлга кўтарди гадо,
Бўлди наво истабон ул бенаво.
Лек мени боши ўза шоҳлар
Қўйдилар ул моҳи фалакжоҳлар...

Бу масалада Дафни қўлига олиб, наво истовчиларнинг бенаво бўлиб қолганлигига, шоир яшаб ижод қилган даврда санъат аҳллариининг камол топиши анча мураккаб бўлганлиги маълум бўлади.

Мана шу тўйда Шамшод дарахтиниинг савлат билан гердаийб туришини кўрган Най гапга аралашиб: сен ҳавойи, худбин, мағрурсан. Оёқларинг лой ичида бўлса ҳам, аммо димоғинг кўкка кўтарилган. Баҳор келиб сен яна ғурурланиб, баландроқ кўтариласан. Аммо, шуни ҳам билиб қўйки, хазон ели бир кун сени хароб қилади, – дейди.

Сўнгра Най ўз хислатлари ҳақида сўз бошлайди:

Манман ўшал тўтин шаккар насиб,
Бандам эрурнола чоғи андалиб,
Меҳр киби ич била тошим ёруғ,
Чарх кибиқўз била кўнглум очук,
Дуди дамим шўладур ул бод эмас,
Пеша мангобехуда фарёд эмас.

Шамшод уни “икки бошли ўлик илон”га ўхшатади ва ўз сояси билан мақтанади.

Бу масалада Нишотий Най билан Шамшоднинг фойдали томонларини кўрсатади ҳамда мақтанчоқликларини қоралайди. Бировларни назарга илмаслик, димоғини кўтариб юриш бир куни хазон ели уларни яксон қилишини айтади. Шоир ички дунёси ҳам, ташқи кўриниши ҳам “меҳр киби” ёруғ кишиларни улуғлайди.

Ғамзанинг “Равзаи жаннатобод”идаги суҳбатда Коса билан Наргис мунозараси берилади. Суҳбатда қўлдан-қўлга ўтиб юрган Косанинг кўзи ҳеч кимни назарга илмай гердайиб ўтирган Наргисга тушади. Шунда Коса Наргисга қараб:

Кўр кўзинг бирла недур бу ғурур?
Иллоти суғро била не бу сурур?
Сен киби йўқ даҳр аро бир бебасар,
Юзингда йўқ нақши ҳаёдин асар.
Ҳар кши ўз рутбасида хуб эрур,
Ҳар нима ўз ҳаддида марғуб эрур.
Шому саҳарлар тилабон симу зар,
Кўз санго кўр ўлди, қулоқ доғи кар –

дейди ва ўз нақшу нигорини таърифлайди:

Ҳар неки бор даҳр аро, нақшу нигор,
Боқ бу тарафким, манғо юз онча бор.

Наргис эса унинг сўзларига шундай жавоб қайтаради:

Жонинг эрур хайр тамаъ ғор-тан,
Қайда таом ўлса, очарсан даҳан.
Бошингга гар бўлмаса, мунча нифоқ,
Демас эдилар отингни эл аёқ.

Сурат эли нақшга мағрур эрур,
Маъни эли нақшдин ул дур эрур.

Нишотий бу мунозараси орқали Коса ва Наргис образлари жамиятдаги “нақши ҳаёдин асар”и бўлмаган нодонларга, кеча-кундуз фикру ҳаёли “симу зар” тўплаш билан банд бўлган “сурат эли”га таъна қилиб, “маъни эли”га хайрихоҳлик билдиради.

Гесу тўй қатнашчиларини ўз бинафшазорига олиб чиқади. Бинафша тўшалган бу жойда кишилар ҳам бинафша либосида намоён бўладилар. Ҳамма маст бўлиб йиқилиб қолганида, қора кийимли, бошини қуйи солиб ўтирган Бинафша улар ўртасида шайхга ўхшаб кўринади. Бинафшани бу аҳволда кўрган Чанг унга қараб:

Фикр санго тийра либосинг қаро,
Хона санго тору палосинг қаро.
Лойиқ эмасбўлмоғинг ушшоқ аро,
Ваҳ на дедим бал бу куҳан тоқ аро –

дея ўзини мақтайди:

Кўр мани ким, фойиқи офоқ ман,
Сарвари сардафтари ушшоқ ман.

Ҳар иккала образ ҳам ўзини мақташда давом этади. Бунда ҳам шоир ўз замонасининг ножўя хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид остига олади.

Бу мунозараларда шоирнинг қарашлари, мақсад ва ғоялари ўз аксини топган. Инсонларга хос камчиликлар-у фазилатлар, қандай эдию қандай бўлиши керак бўлган орзу умидлари акс этган. Уларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари қандай ҳолга солиб қўйиши мумкинлиги айтилган.

Хулоса

Муҳаммаднийёз Нишотий қаламига мансуб “Шаҳбоз ва Булбул”, “Даф ва Гул”, “Най билан Шамшод”, “Косаи Чин ва Наргис”, “Бинафша ва Чанг” мунозараларининг ғоявий-бадий таҳлили унинг ижодий салоҳиятининг юксаклиги ва тафаккур доирасининг кенглигини тасдиқлайди. Бу мунозараларнинг тўла маъно қирраларини аниқлаш учун мунозара жанрининг хос хусусиятларини тушуниш, Шарқ адабиётидаги рамзий тасвир сир-асрорларидан хабардор бўлиш, ирфоний билимларни ўзлаштириш, мумтоз ижодкорлар тафаккурига яқинлашиш талаб этилади.

Мунозара жанрида асар яратиш ижодкордан юксак донишмандлик, ноёб бадий англам ва маҳорат талаб қилади. Муҳаммаднийёз Нишотий ана шундай улкан салоҳиятга эга бўлган шоирдир.

Унинг “Шаҳбоз ва Булбул”, “Даф ва Гул”, “Най билан Шамшод”, “Косаи Чин ва Наргис”, “Бинафша ва Чанг” мунозаралари адабиётшунослигимиз тарихини, жанрнинг ўрни ва тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Мавлоно Нишотий кўп шоирларни ўзига устоз деб билган, уларнинг асарларини мутолаа қилиб, наср ва назм, сир-у синоатини ўрганиб борган. У айниқса, улуғ ҳамсанавис салафлари ижодига эътироф билан қараган.

“Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозараларни мутолаа қилар эканмиз, Мавлоно Нишотийнинг шеърятни, унинг кўп қиррали маъно-моҳиятини чуқур ҳис қилувчи нозик фаҳм шоир эканлигини англаймиз.

“Ҳусни Дил” достони таркибидаги мунозаралар мазмун-маъно жиҳатидан қанчалик серкўлам бўлса, бадий маҳорат нуқтаи-назаридан ҳам шунчалик такрорланмасдир. Шоир мунозаралари, аввало, сўз хазинасининг ўзга хослиги билан ажралиб туради. Ифода усулининг содда, халқоналиги уни дилларга яқин этади. Мунозараларни ўқир эканмиз, рамзий-киноявий, тасвир бағрида қадим Шарқ, халқлари табиатига таниш туйғулар тасвирини кўрамиз. Бугунги халқимиз менталитетига мос кечинмаларининг

мусаввирона ноёб чизгиларига дуч келамиз. Халқона ҳикматларнинг, ифоданинг устуворлиги шоир шеърларига табиийлик бағишлаган.

Шоир томонидан сўзлар тизими шундай моҳирона танланганки, улар лирик “мен”нинг ички кечинмаларини жуда теран талқин қила олган. Мунозараларда рамзий-киноявий тасвир воситасида нозик қалб инсоннинг кўнгил дарди, бошқаларни уни англамаслик изтироби ғоят нафис талқин қилинган. Шунинг учун ҳам, шоир мероси асрдан асрга ўтиб бизгача етиб келди. Энг муҳими бугунги кунга келиб янги мазмун касб этди. Мунозараларнинг ўзак моҳияти – инсон қисмати учун қайғуриш, келажаги учун куйиниш, баъзи кишиларнинг қилмишларидан нафратланишдан иборатдир. Бундай теран ғоялар Истиқлол даври фарзандлари кўнгилларида Ватан туйғусини шакллантиради, улғайтиради. Бугун ҳурлигимизни, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, барқарорлаштириш учун эса, худди ана шундай миллий уйғоқлик, тирик маънавият зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёткафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997. – 403 б.
2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1967. – 380 б.
3. Абдуллаев В. Нишотий лирикаси. Самарқанд. 1960.
4. Абдуллаев В. Хоксор ва Нишотий. Самарқанд. 1960.
5. Абдувоҳидова М. Нишотийнинг “Шоҳбоз ва Булбул” мунозараси. “Адабий мерос” журнали, 1967-йил, 3-сон.
6. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. XVI–XIX аср I ярми. – Тошкент: “Фан”, 2006. – 240 б.
7. Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. Тошкент, 1983.
8. Муборак мактублар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 300 б.
9. Нишотий. Танланган асарлар. Тошкент, 1960.
10. Нишотий. Хусни Дил. Тошкент, 1967.
11. Нишотий. Қушлар мунозараси. “Гулистон” журнали, 1970-йил, 1-сон.
12. Қосимова М. Муҳаммадниёз Нишотий. Тошкент, 1975.
13. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент, 1974.
14. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш толик, 1-том. Тошкент: “Фан”, 1977. – 326 б.
15. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик, 3-жилд. Тошкент: “Фан”, 1978. – 360.